Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 233 (8223). ● 8 декабрь, 1983 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

МЕҲНАТНИНГ БРИГАДА ФОРМАЛАРИ

ХЎЖАЛИК механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга қаратилган комплекс тадбирларда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасига катта аҳамият берилмоқда. Меҳнат коллективининг бошланғич ячейкаси ҳисобланган бригада ўн биринчи беш йилликда меҳнатни ташкил этишнинг асосий формаси бўлиб қолиши керак. КПСС XXVI съездида шундай вазифа қўйилди.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси аслини олганда янгилик эмас. Лекин ҳозирги шароитларда меҳнатни ташкил этиш бригада формасининг янги-янги имкониятлари намоён бўлмоқда. Буни корхоналарнинг техник қуролланиш даражаси кескин ошганлиги, ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёнининг интенсив ривожланаётганлиги, ишлаб чиқариш иш усули тобора кенг жорий қилиниб, муттасил такомиллаштирилмоқда.

Сўнгги вақтларда ягона наряд асосида ишлаб, пировард натижаларга қараб ҳақ тўланадиган, узлуксиз ишлайдиган, ишлаб чиқариш хусусиятлари жиҳатидан бир-бирига боғлиқ бўлган участкалар, цехлар ишчи-хизматчиларидан иборат комплекс бригадалар кўпайиб бормоқда. Бундай бригадаларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари оддий бригадалардагига қараганда ҳар томонлама юксак бўлмоқда. Уларда меҳнат унумдорлиги нисбатан тез суръатлар билан ошиб боряпти, иш вақтининг фойдасиз йўқотилиши камаймоқда, материал, хом ашё ва ишчи кучи ресурслари тежаб-тергаб сарфланмоқда.

Бундай бригадаларнинг тарбиявий роли ҳам кучайиб бормоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг бу формаси ҳар бир ишчини коллективизм, ўзаро талабчанлик, ўртоқларча ёрдамлашиш, кўпчилик манфаатини шахсий манфаатдан юқори қўйиш руҳида тарбияламоқда. «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун!» шнори меҳнат қонуни бўлиб қолган бригаданинг ҳар бир аъзоси сидқидилдан, виждонан, бутун маҳорати, тажрибаси ва билимини сарфлаб ишлашга одатланади.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Тошкент трактор заводи», «Қизил тонг» тикувчилик, «Промстройкомплект» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ангрендаги «СССР 60 йиллиги» номли резино-техника заводи ва бошқа кўпгина корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси кенг қўлланилмоқда. Уларда ишчи-хизматчиларнинг аксарияти хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплекс бригадаларга бирлашган. Бу мазкур меҳнат коллективларининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

«Ташсельмаш» заводида бригада усулини жорий қилиш ишлари бундан анча илгари бошланган эди. Заводда уч йил илгари 136 бригада ишлаган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони 275 тага етди. Уларга ишчиларнинг 80 проценти бирлашган. Завод коллективи давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажараётган экан, бунда илғор иш усулининг роли катта бўлмоқда. «Промстройкомплект» бирлашмасида эса бригада формасини жорий қилиш туфайли норуда материаллар ишлаб чиқариш 800 минг сўмлик кўпайди, қўрилган иқтисодий самара эса 120 минг сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг тажрибада ўзини оқлаган, самараси салмоқли бўлаётган бригада формасини қўлланишга лозим даражада эътибор берилмаётган, у ҳўжакўрсинагина тузилаётган, бу усулнинг моҳияти чуқур тушунилмаётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Айниқса, бинокорлик материаллари саноати, қурилиш индустрияси, айрим енгил ва озиқ-овқат, маҳаллий саноат бирлашмалари ва корхоналарида шундай аҳволни кўриш мумкин. Масалан, Ангрендаги тўртинчи темир-бетон буюмлари заводи, тикувчилик фабрикасида бригадалар расмиятчилик учунгина ташкил этилган. «Подземгаз» станцияси, қурилиш материаллари комбинатида умуман бу масала эътибордан четда қолмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳамма жойда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини жорий этишдаги камчиликларни бартараф қилиш, айниқса, комплекс ва узлуксиз ишлайдиган бригадалар тузишга алоҳида аҳамият билан муносабатда бўлиш, уларни тинмай ривожлантириш ва такомиллаштириш иши билан доим шуғулланиш, ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган обрўли ишчиларни танлаш ва бригадирликка тайинлашга эришиш керак.

Бу муҳим ишда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг яқинда эълон қилинган «Саноатда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини дастурламал қилиб олиш, унга тўла риоя этиш керак. Қарорда таъкидланганидек, бригадалар ижтимоий ишлаб чиқаришни юксалтириш, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини бажаришда тобора катта роль ўйнамоқдалар, меҳнат коллективларининг асосий ишлаб чиқариш ва соцнал ячейкаси бўлиб қолмоқдалар.

Шундай экан хўжалик органлари раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари барча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва саноат корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий этиш қандай ҳолатда эканлигини чуқур ўрганиб чиқишлари ва таҳлил қилишлари, уни планли равишда ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш чораларини кўришлари, бу ишда шошма-шошарликка асло йўл қўймасликлари талаб этилади. Бригадалар тузишда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, бундай коллективларнинг энг мақбул сони ва турини белгилаш, ишчиларнинг кўшимча ва турдош касбларни ўзлаштириб олишлари тўғрисида, малакани оширишлари ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш, бригадаларда план ва топшириқларни озроқ ишчи кучи билан бажариш юзасидан бошланган ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим.

Барча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва саноат корхоналарида СССРнинг «Меҳнат коллективлари ҳамда уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги Қонунида бригадаларга берилган ваколатларнинг тўла амалга ошишига кўмаклашиш, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини ривожлантириш йўлида ишлаб чиқариш коллективларига ҳар томонлама доимий ёрдам бериш керак. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда хўжалик ҳисобидаги бригадаларни ягона хўжалик механизмининг узвий таркибий қисми бўлиб қолишига эришилса, шу ерда унинг самараси яхши бўлаяпти.

Ҳозирги вақтда саноат корхоналари коллективлари марказий йилни яхши якунлаш ва бу билан умуман ўн биринчи беш йиллик планининг муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам замин яратиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини қўлланаётган коллективлар бу умумхалқ курашининг олдинги сафида бормоқдалар. Шундай экан, саноат тармоқларида уларнинг сонини кўпайтириш учун барча чораларни кўриш шу кунниг муҳим вазифасидир.

ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ

Заводимизда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули тобора кенг қулоч ёзмоқда. Дастлабки кезларда янги усулга ўтиб ишловчилар унчалик кўп бўлмаса-да, лекин бу ҳаракатнинг қалдирғочлари ишлаб чиқаришда ижобий ўзгаришлар ясаётганини кўриб, ҳар бир ишлаб чиқаришда кооперациянинг беқиёс кучайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитлари меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив формалари юксак пировард натижа олиш омили эканлигини исботламоқда. Шунинг учун ҳам бутун мамлакатимиздаги каби областимиз экономикасининг барча тармоқларида, шу жумладан, саноатда ҳам бу прогрессив иш усули тобора кенг жорий қилиниб, муттасил такомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда заводимизда 275 коллектив ягона наряд асосида меҳнат қилмоқда. Улар ўз сафига жами ишчиларнинг 80 процентини бирлаштирган. Лекин бу ҳам энг юқори кўрсаткич эмас деб ўйлайман. Агарда шундай коллективлар сони янада кўпайса, ютуқларимиз янада салмоқли ва қувончли бўлади. Бугунги кунда илғор усул асосида иш юритиб, катта тажриба тўплаган бригадаларнинг бутун ҳаракатлари шундай коллективлар сафини кўпайтиришга қаратилган.

Т. ЯШИНА-ЯКОВЛЕВА,
«Ташсельмаш» заводи 10-тайёрлаш-пресслаш цехи комплекс бригадасининг бошлиғи.

САМАРАЛИ УСУЛ

Бригадамиз коллективи 1974 йилдан бери пудрат асосида иш кўради. Шуни айтиш мумкинки, янги усулда ишлаганимиздан бери ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз мунтазам юксала борди.

Ягона наряд асосида меҳнат қилишнинг афзалликлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Коллективизм руҳи амалда яққол намоён бўладиган бу усулнинг унумдорлиги оширишдаги роли айниқса, салмоқлидир. Буни ўз бригадамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бригадамизда 29 та ҳайдовчи бирлашган. Улар 13 та КРАЗ машиналари ёрдамида Бекобод норуда материаллари заводига хом ашёлар ектазиб берадилар. Карьердан заводгача булган масофа узоқ эмас. Муҳими, вақтдан ютиш керак.

Ҳар бир ҳайдовчининг ҳаракати коллектив ютуғини белгилаши ишчиларимиз масъулиятини оширди. Ҳозирга келиб ана шу 29 ҳайдовчи автокорхона бўйича ташилаётган барча юкнинг 45 процентини манзилга етказиб бермоқда. Шунинг учун бугунга келиб бригада пудрати иш юритишнинг энг фойдали усули эканлигига бизда шак-шубҳа қолмади.

Ҳ. АБДУЖАББОРОВ,
Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери, Бекободдаги 16-автокорхона бригада бошлиғи.

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ЕНГДИК

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА, айниқса, пахтачиликда мўл ҳосил учун кураш мавсумий иш эмас. Йил — ўн икки ой тадбиркорлик билан иш юритган, меҳнатдан эринмай, асосий мақсад сари астойдил интилган коллективгина кўзлаган маррасини эгаллайди. Айниқса, бу йилги шароит ҳосил тақдири учун худди шундай муносабатда бўлишни талаб этди.

Асл деҳқон ҳеч қачон ноқулай об-ҳаво шароити туфайли вужудга келган қийинчиликларни баҳона қилмайди. Аммо, ҳосил тақдири ҳал бўлиб, ғалвир сувдан кўтарилган ҳозирги кунда колхозимиз аъзоларининг меҳнатига холис баҳо бериш учун эрта баҳордан бери чеккан заҳматлари хусусида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Ерга қадалган уруғнинг тўла униб чиқиши хавф остида қолгач, мутахассислар ва уста пахтакорлар билан маслаҳатлашиб, чигит суви беришга қарор қилинди. Шу кундан бошлаб хўжалик раҳбарларидан тортиб оддий колхозчигача сувчи вазифасини ўташга киришди.

Бу оммавий сафарбарлик кутилган натижани берди. Деярли ҳамма карталарда кўчатлар тўла ундириб олиниб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга эришдик.

Шундан кейин меҳнатга яроқли барча аҳоли ғўза яганасига ва бегона ўтдан тозалашга жалб этилди. Механизаторларимиз эса техника учун иш фронти очилиши билан дастлабки культивацияни бошлаб юбордилар. Ғўзанинг аввалги йилларгагига нисбатан бирмунча кечроқ бўлиб қолганлигини ҳисобга олиб, ҳар бир агротехник тадбирни экин айни талаб қилган пайтда маромига етказиб бажаришга ҳаракат қилинди.

Сув ва ўғитга қондирилган ғўзаларимиз серҳосил ҳамда районимизнинг бошқа хўжаликларидагига нисбатан эртароқ ҳосилга кирди. Шу туфайли дефолиацияни ҳам табақалаштирилган ҳолда барвақтроқ ўтказиш имкониятига эга бўлдик.

Шундай қилиб табиат инжиқликларини тадбиркорлик билан енгган пахтакорларимиз йиғим-теримни ҳам уюштириб, ҳар бир гектардан ўртача 30 центнердан ҳосил олишга эришдик.

Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.

Бу ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди.

Бригада миришкорлари ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилдилар. Айни кунларда кунига икки-уч тоннадан пахта топширилмоқда. Коллективнинг область Советининг депутати Хайитгул Алиқулова, Мукаррам Жўрабоева, Матлуба Дадажонова сингари кўпмингкилограммчилари теримда барчага ибрат бўлишяпти.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан райондаги 75 та ўрта мактабининг юқори синф ўқувчилари бу йилги мавсумда ота-оналари билан ёнма-ён пахта тердилар. 6850 ўқувчининг шу кунгача район далаларидан уйган хирмонлари 8200 тоннадан ошиб кетди. Айниқса, Абдулла Қодирий номли 29-, Фрунзе номли 26-, Чкалов номли 16-, Ворошилов номли 6-, Мақсуд Шайхзода номли 19-ўрта мактабларнинг комсомол-ёшлари барчага ибрат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Ҳозирги ҳал қилувчи дақиқаларда ҳам унумли меҳнат қилаётган Д. Аҳмедова, Б. Розиқулов, Р. Йўлдошев, Б. Қаҳҳоров, О. Худойбердиев, Т. Тошпанов сингари ўқувчилар 20-30 килограммдан подбор териб беришяпти. Бу оловқалб ёшларнинг шу кунгача терган пахталари тўрт-беш тоннадан ошди.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

МАРКАЗИЙ ЙИЛ ЗАФАРИ

● ПИСКЕНТ. Свердлов номли колхознинг Жуман Деҳқонов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида чинакамига жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Бу коллектив аъзолари хўжаликда биринчи бўлиб йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажарган эдилар. Куни кеча улар учинчи довонни ҳам забт этдилар. 80 гектар майдонинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Она-Ватанга 400 тонна хом ашё етказиб берилди. Бу пландагидан 136 тонна кўпдир.

Бригаданинг Ҳидоят Деҳқонова, Раҳима Ортиқова, Муҳаббат Раҳмонова сингари чевар теримчилари тўққиз тоннадан пахта териб, бу ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Коллектив аъзолари даладаги ҳосилнинг сўнгги мисолини йиғиб-териб олиш билан бригаликда келгуси ҳосилга мустаҳкам замин тайёрлашни бошлаб юбордилар.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ


● ЧИНОЗ. Киров номли колхозининг Турсуной Охунова номли бригадаси саршуносларн ҳамон мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Коллектив деҳқонлари ҳозиргача 84 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 56 центнердан, жами 465 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олдилар.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА


ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

БЎКА	0,02	110,89	106,52
КОММУНИСТИК	0,02	109,23	110,19
БЕКОБОД	0,02	105,76	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,03	105,66	109,13
ЧИНОЗ	0,05	103,79	79,58
ПИСКЕНТ	0,01	103,45	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,02	102,90	85,65
ЯНГИЙЎЛ	0,04	101,15	85,39
Ғалаба	0,03	93,65	69,40
Область бўйича:	0,03	104,06	87,75







● «ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»нинг Янгийўл районидаги ихтисослашган устахонаси ишчи-хизматчилари хўжаликлардан келтирилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини сифатли ремонт қилмоқдалар. Ҳозиргача устахона ремонтчилари 500 та ҳайдов тракторини эгаларига жўнатдилар. Йил охиригача яна 100 та ҳайдов техникаси ремонтдан чиқарилади. Суратларда: (чапдан) устахонанинг илғор ремонтчи-слесарлари Раҳмон Сатторов ва Эркин Дўстматов. Улар кунлик топшириқларини 130—140 процентга бажариб барчага намуна бўлишяпти; ремонтдан чиқарилган трактор жўнатилмоқда.

В. Сироткин фотолари.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

қоқлик билан бошлаб юбордилар. Бу даврга келиб барча оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар бевосита дала шийпонларига кўчирилди. Коммунистлар, актив комсомол-ёшларимиз ишнинг энг оғир участкаларида бўлиб, чуқур масъулият ҳис қилган ҳолда зарбдорларча меҳнат қилдилар.

Ана шу долзарб кунларда республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаати эълон қилинганлиги сафарбарликни янада кучайтириб юборди. «Ҳозир пахтазорларда кучгайратни икки ҳисса, уч ҳисса оширш жуда муҳимдир. «Оқ олтин» теримида андаккина сусткашлик минг-минглаб кишиларнинг ҳосил учун курашдаги қаҳрамонона кучгайратларини пучга чиқаради», деган сўзлар кексаюшнинг қалбидан чуқур жой олди ва уларни пахтазорларга ундади.

Колхозимиз территориясидаги меҳнатга яроқли аҳолининг ҳаммаси, ҳатто партия, меҳнат ва уруш ветеранлари, пенсионерлар ва уй бекалари ҳам умумхалқ ҳашарига отландилар. Колхозимиз пахтазорлари чинакамига жасорат майдонига айланди. Далада ишлаётганларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш учун колхоз правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамма чораларни кўрдилар. Терим иштирокчиларн кундалик рўзғор учун керак бўладиган озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини далаларга тез-тез келиб турган автолавкалардан харид қилиб олдилар. Маиший хизмат, савдо ва медицина ходимлари ҳам дала меҳнаткашлари хизматида бўлишди.

Йиғим-терим ҳар томонлама намунали уюштирилганлиги туфайли биз пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик планини районда биринчилар қатори 25 октябрь куни бажаришга муваффақ бўлдик. Бугунги кунга келиб эса 877 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб она Ватанга 3500 тонна «оқ олтин» етказиб бердик ва социалистик мажбуриятни ҳам муваффақиятли бажардик.

Хўжалигимизда сўз берса, албатта, уддасидан чиқадиган уста пахтакорлар кўпчилигини ташкил этади. Жумладан, Ғаппор Жунусов, Ваҳоб Ўсканбоев, Абдуқосим Бейсенов, Пётр Кан, Абдулхай Абдуқодиров сингари тажрибали деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригадаларимиз ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олиб келмоқдалар. Бу йилги мураккаб шароитда ҳам улар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 45 центнердан ошди.

Эрта кўкламдан бери ғўзаларга тинимсиз ишлов бериб, пахта йиғим-терими даврида ҳам жонбозлик кўрсатган Ўсканбой Абдусаматов, Жеимбой Жуманов, Мамарасул Тошматов, Маъриф Раҳимов сингари механизаторларимиз номларини бугунги кунда ҳурмат билан тилга оламиз. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини ана шу дала гвардиячиларимиз териб беришди.

Хўжалигимиз кўп тармоқли. Бу йил давлатга 9500 тоннага яқин каноп етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 205 центнердан ошди. Бу соҳадаги социалистик мажбурият ҳам шараф билан бажарилди.

Айни кунларда пахтазорлар бирин-кетин сўнгги ҳосилдан тозаланиб, кузги шудгорни ҳам тезроқ бошлаб юбориш тараддуди кўрилмоқда. Чунки, ерлар қанчалик барвақт ҳайдаб қўйилса, келгуси йил ҳосили учун шунча фойдали бўлади. Мутахассисларимиз кузги шудгор олдидан ерларга 200 килограммдан фосфорли, 100 килограммдан калийли ўғит солишни мўлжалламоқдалар. Бундан ташқари ер картограммасига асосан айрим майдонларга маҳаллий ўғит солинади. Шу мақсадда ҳозир дала бошларига органик ўғитларни ташиб чиқариш ишлари бошлаб юборилди.

А. ҚОДИРОВ,
Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг саккизинчи сессияси 1983 йил 20 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. ОРЛОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1983 йил 6 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, мисли кўрилмаган қийин об-ҳаво шароитларида мўл пахта ҳосили етиштирдилар, пахта теримини уюштқоқлик билан ўтказиб, давлатга пахта сотиш планини 5 декабрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 600 минг тоннадан кўпроқ Қашқадарё «оқ олтин»и, шу жумладан, 180 минг тоннага яқин энг қимматли ингичка толали нав пахта топширилди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 29,5 центнер бўлди.

Ғузор, Қарши, Қамаши, Китоб, Муборак, Яккабоғ районлари, 92 та колхоз ва совхоз, 2300 та бригада социалистик мажбуриятларни ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Ҳосил йиғим-терими давом этмоқда. Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари 38 минг тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАТЛАР

ПАРТБЮРОГА КЎМАКДОШ

Корхонамиз коммунистлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили план-топшириқларини бажариш учун авж олиб кетган социалистик мусобақада актив қатнашиб, ташаббускорлик ва ибрат намуналарини кўрсатмоқдалар. Механика цехининг токари Виктор Андросов бу соҳада кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган, ёшларга ўз касби сирларини ўргатаётган В. Андросовнинг комбинат партбюросининг аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Унга коммунистлар катта ишонч билдириб, Оҳангарон район партия конференциясига делегат қилиб сайладилар.

Корхонамизда В. П. Андросовнинг издошлари кўплаб топилади. Чунончи, омухта ем цехи ишчиси Александр Витнин, 2-тегирмон цехидан Людмила Декина, район партия конференцияси делегати Нерлияна Маҳсудова, сантехник Геннадий Кустов каби коммунистлар ҳам меҳнатга коммунистик муносабатда бўлмоқдалар. Ишчиларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш билан бир қаторда портбюромизга идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Уларнинг ташаббуслари ва таклифлари билан кейинги йилларда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу йил тегирмонлардаги эски ускуналар янгиланиб, ишчилар ўртасида меҳнат интизоми яхшиланди, маҳсулот сифати сезиларли даражада ортди.

Корхонамиз 1982—83 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва тайёрлаш соҳасидаги кутуқлари эвазига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Улуғ Октябрь байрами арафасида эса яна бир қувончли ютуқ қўлга киритилди. Пландан ташқари, миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш юзасидан олинган йиллик социалистик мажбурият шараф билан адо этилди. Мўлжалдагидан 300 тонна кўп ун, 1300 тонна ортиқ омухта ем ишлаб чиқарилди.

Коллективимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача яна 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қатъий қарор қилди. Айни пайтда ана шу оширилган мажбуриятни шараф билан адо этиш ҳар бир ишчининг асл мақсадига айланган.


П. МАНЖОСОВ,
Оҳангарон ғалла маҳсулотлари комбинати партия бюросининг секретари.

ҲАММАСИ — МЕҲНАТКАШЛАР ЭҲТИЁЖИ УЧУН

● **ОЛМАЛИҚ гилам фабрикасининг меҳнат аҳли аҳолига кўплаб кенг истеъмол буюмлари етказиб беришга қатъий бел боғлаган. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун корхона илғорлари қўш суръат билан меҳнат қилиб ҳамкасбларини ҳам ўзларига эргаштирмоқдалар. Суратларда: (чапда) Баҳри Абдухолиқова. У смена топшириқларини 120 — 125 процентга адо этиб, социалистик мусобақа пешқадамлари сафида бормоқда; Нурия Куртеюпова (ўнгда) айни пайтда 1985 йил ҳисобига маҳсулот топшириляпти.**

В. Сироткин фотолари.





КОРХОНАЛАР ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА

«ФАҚАТ ИЛҒОРЛИКНИ КЎЗЛАЙМИЗ»

БОШ ИНЖЕНЕР автокорхона территориясини тикка кесиб ўтиб, унинг нариги этагига юра бошлади. Автомашиналарни қўйишга мўлжаллаб асфальт ётқизилган бир неча гектар майдон ҳувиллаб ётарди. Бу ерлар худди доим бўш турадигандек. Фақат якқам-дуккам машиналар у ер, бу ерда кўзга ташланади. Кенг майдоннинг этагида баланд қилиб солинган бино, унинг ёнгинасида эса янги қуриб битказилаётган йиғма-бетон уй. У ҳам битай деб қолган. Ромларга ойналар қўйилиб, сувоқдан чиқарилса бас.

—Ҳозирча мана шу тайёр бинода ва диспетчерлик пункти ёнидаги эски омборда мол ва паррандаларни парвариш қиляпмиз, — автокорхона бош инженери Абдуманнон Усмонхўжаев шундай деб ёрдамчи хўжалик ҳақида гапира бошлади. — Эрта-индин янги бино қурилишини ниҳоясига етказамиз. У ерда бир йўла 200 га яқин қўй ва эчки боқиш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда ёрдамчи хўжаликда 800 дан зиёд парранда, 40 дан ортиқ қўй ва эчки, 20 бош қорамол, 60 га яқин чўчқа боқиляпти. Лекин жойнинг торлиги агроцехимизнинг янада ривожланишига халақит бераётган асосий муаммолардан бири бўлиб қолди.

Корхона коллективи йил бошида ёрдамчи хўжаликда боқилаётган мол ва паррандалар сонини кўпайтиришга астойдил киришди. Шу мақсадда 25 та чўчқа боласи сотиб олинди. Алоҳида бино молхонага мослаштирилгач, чорва туёғи жадал суръатлар билан оша бошлади. Лекин бирнеча ой ўтгач жойнинг торлиги натижасида уларни гўштга топширишга тўғри келди.

Бош инженернинг гапларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида территорияга назар ташлаймиз: юқорида айтиб ўтганимиздек, бирнеча гектар майдон хувиллаб ётибди. Лекин ким билан суҳбатлашмайлик ёрдамчи хўжаликни кенгайтиришга жой торлик қилаяпти, дейди.

—Эҳтимол территориямизнинг кенглигига қараб «шунча жой бўш ётибдику», деб ўйлаётгандирсиз, —ҳамроҳимиз худди фикримизни ўқиётгандек савол ташлади ва бироз жим туриб яна гапида давом этди. —Ҳозир барча машиналаримиз рейсларда. Лекин кечга бориб 360 дан зиёд оғир юк машиналари турна қатор бўлиб кириб келади. Баҳайбат «КамАЗ», ва «КрАЗ»лар. Шундай экан қаерда ҳам бўш жой қоларди. Қолаверса, молхона қуриш масаланинг бир томони. Ахир ем-хашак тайёрлаш, озуқабоп маҳсулотлар етиштириш учун ҳам ер керак... Лекин ер йўқ деб қўл қовуштириб ўтирмаяпмиз.

Ангрен яқинидаги қирлардан 20 гектар ер ажратилди. Шундан сўнг шанбаликлар уюштирib, у ерда озиқабоп маҳсулотлар етиштира бошланди. Шу тариқа йил охиригача 40 тонна хашак тўпланди.

Корхона атрофида ётган ташландиқ ерлар ҳам коллектив эътиборидан четда қолмади.

Смена топшириқларини муддатидан барвақт бажарган ҳайдовчилар ўз машиналарида тупроқ ташишга киришдилар. Корхона ён атрофидаги ерлар буткул тошлоқ эди. Тошлар шу даражада кўп эдики, уларни териб ташлагандан кўра устига тупроқ ётқизиш маъқул эди. Шу тариқа бир неча гектар ер экин майдонига айлантирилди. Келаси баҳордан у ерларга бутунлай маккажўхори экилиши мўлжалланган. Шундан сўнг ем-хашак ҳам мўл бўлиб қолади. Бу жуда муҳим. Ахир ёрдамчи хўжаликда йил давомида 17 тонна гўшт етиштирилиши керак. Бу кўрсаткичга эришиш учун аввало чорва маҳсулдорлигини ошириш зарур.

Ҳозиргача ёрдамчи хўжаликдан ишчи-хизматчиларга 13 тоннадан зиёд гўшт, 6 тоннадан кўпроқ сут ва 42 минг дона тухум арзон баҳоларда сотилди.

—Лекин бу катта ишнинг бошланиши, холос. Келгусида ёрдамчи хўжалигимиз ҳам асосий ишимиз сингари шаҳар ишлаб чиқариш корхоналари учун намуна бўлгудек даражада юксалишига шубҳам йўқ. Зотан, илғор коллектив ҳар борада илғор бўлиши керак.

Бу ишда ҳам корхона ташкил этилгандан бери коллективда баракали меҳнат қилиб келаётган илғор ҳайдовчилар Анастас Блохин, Абдумалик Холбоев, Эгамберди Шодибеков, Тожиддин Каримов, механик Йўлдош Матазовлар барчага бошқош. Бу илғорларнинг жонбозлиги туфайли ўн биринчи беш йилликнинг марказий йили ўн бир ойлик планни барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича зиёдаси билан адо этилди. Жумладан юк ташиш ҳажми 11 миллион тоннани, юк оборотиси эса 56 миллион тонна-километрни ташкил этди. Иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатига зўр берилиши натижасида 25 тонна бензин, 30 тонна дизель ёнилғиси тежаб қолинди. Ана шу тежалган ёнилғи-мойлаш материаллари ҳисобига 147 минг тонна халқ хўжалиги юкларини манзилларга элтиб берилди.

Н. Сидиров, К. Зирянов, М. Белиндир, Т. Жўраев бошчилигидаги бригада аъзоларининг бошлаб берган ҳаракати яхши самара берди. Бу илғор ҳайдовчилар машиналардан унумли фойдаланиш ҳисобига пландан ташқари халқ хўжалиги юкларини ташиб беришга бел боғладилар. Шундан сўнг машиналарга прицеплар қўшиб юк ташиш ҳаракати кенг қулоч ёзди. Бу ҳаракат натижасида 431 минг тонна қўшимча юк ташилди. Яна диққатга сазовор томони шундаки, қўшимча юкларни ташиш эвазига сарфланадиган 435 тонна дизель ёнилғиси корхона иқтисод фондига киритилди.

—Айрим корхоналарда бўлиб, у ердаги ёрдамчи хўжаликлар аҳволи билан танишганимизда қизиқ бир воқеани кузатамиз, — дейди Абдуманнон Усмонхўжаев.— Ваъзилар асосий вазифаларини аъло даражада бажариб ёрдамчи хўжаликни ҳам намунали қилиб қўйишдан чўчишармиш. Эмишки, шундай қилинса бу иш янада ривожланишини кузатиб турувчилар кўпайиб қоларкан. Нимаси ёмон?! Яна баъзилар бир амаллаб планни уддалаб қўйишса бас... Айтмоқчи бўлганим коллективимиз ишлаб чиқаришда ўртамиёна бўлиб юришни ёқтирмайди.

Даставвал ёрдамчи хўжалик ташкил этила бошланганида бу ишга ёрдам қўлини чўзувчилар кўп эмасди. Қолаверса, автокорхонанинг хусусияти бу соҳани ривожлантириш учун фақат ташаббус зарурлигини тақозо этарди.

Дастлабки кезларда ёрдамчи хўжалик учун яратилаётган бинолар қурилишига ва умуман агроцех участкаларига бирор айб қилиб қўйган «жаримачи» ҳайдовчилар ўтказилганлигини ҳозирги пайтда алланечук кулги билан эсга олишади. Буни тушуниш керак. Ҳозир ўша воқеалар кулиб эсланишига сабаб шундаки, бугун ёрдамчи хўжаликка ёрдам қўлини чўзувчилар керагидан ҳам ортиқ. Негадир ҳайдовчилар эрта тонгдан кечгача рейсда бўлсалар ҳам агроцехни ривожлантиришга вақт топаяптилар. Чунки, энг муҳим нарса — истак, ташаббус бор. Ахир, шу ерда етиштирилган гўшт, сут, тухум улар дастурхонини безагандан кейин тинч туриб бўладими?..

—Қисқа қилиб айтганда бугунги кунда ёрдамчи хўжалигимиз ёрдамга муҳтож эмас, — дейди бош инженер сўзининг охирида. — Ишчиларимизнинг ўзлари бу соҳани ривожлантириш билан қизиқиб қолдилар. Демак, келгусида ҳам у тинмай тараққий этаверади.

А. МИРАЛИМОВ,
Ангрен, 72-автокорхона.

ТАДҚИҚОТЧИ ХУЛОСАЛАРИ

ФИЛАНТЛАР ОЛАМИДА

Ҳозирги вақтда фойдали ҳашаротларнинг қишлоқ хўжалигида қанчалик аҳамиятга эга эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ер қазувчи ариларнинг кўп турлари ана шундай фойдали ҳашаротлар жумласига киради. Ўрта Осиёда, гарчи, ер қазувчи ариларни ўрганиш, қадимдан бошланган бўлса-да, бироқ, республикамизнинг тоғли районларида бу борадаги тадқиқотларга яқиндагина киришилди.

Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг тоғли районларида ер қазувчи ариларнинг 92 тури ва 35 авлоди мавжуд. Шундан 82 тури фойдали бўлиб, қолган ўн тури зараркунанда ҳашаротлар ҳисобланади.

Ер қазувчи арилар ҳаётида уя катта аҳамиятга эга. Улар ўз уясини ер остида, сойликларга, тошлар кавагига, қумлик жойларга ва эски уйларнинг шипига қуради. Уларнинг уялари мавжуд ари турларининг хулқ-атворига қараб бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Филант деб ном олган ер қазувчи арининг зарарли тури 1—1,5 метр чуқурликда тармоқланган уя қуради. У асаларилариниг қушандасидир. Филант асалари гулда қўниб турганида ёки учиб кетаётганида, баъзан эса уяси олдида уни тутиб олиб, шартта калласини узиб ташлайди ёки уни чалажон қилиб, томоқ қисмидан асалини сўриб олади.

1980 — 1982 йиллари июнь—июль ойларида Тошкент областининг Сижжак қишлоғида ўтказган кузатишларимизда тўрт соат мобайнида филант 20 тага яқин асаларини чалажон қилиб, томоғидан асалини сўриб олганининг шоҳиди бўлдик. Одатда хонаки асаларини бундай табиий қушандалардан сақлаш учун филантлар уясига эрталаб иссиқ сув пуркалади.

Целифрон авлодига мансуб ер қазувчи ари турлари эса филантдан мутлақо фарқ қилиб, юқорида айтиб ўтилганидек, ўз уясини эски уйлар шипига, молхоналарга қуради. Улар хас-чўплардан ва ариқ бўйларидаги нам тупроқдан қурилиш материали сифатида фойдаланади. Улар бундай материалларни сўлғи билан цементлаб ташлайди. Уясининг баландлиги 5—5,5 сантиметр, эни эса 4—4,5 сантиметр бўлиб, 5—6 хонага ажратилади. Уянинг ҳар бир хонасига 4—6 тагача ҳар хил катта-кичикликдаги ўргимчакни жойлаштиради ва уларнинг сон қисмига целифрон тухум қўйиб, уясининг устини лой билан беркитади-ю, қайта шу уяга қадам босмайди.

Республикамиз тоғли зоналаридаги ер қазувчи ариларнинг орасида кенг тарқалган ва фақат шу ернинг ўзигагина хос бўлган турлари кўп. Ҳаёт кечириш тарзига кўра ер қазувчи арилар баҳорги, баҳорги-ёзги ва узоқ муддат яшовчи (апрель — октябрь) арилар туркумига ажралади. Шундан ёз мавсумида яшайдиганлари кўп учрайди, узоқ муддат учадиганлари эса камдир. Умуман бундай ариларнинг суткали активлиги 11—13 соат давом этади.

Хуллас, табиатни нечоғли чуқурроқ ўргана борганимиз сайин унинг номаи аъмоли шунчалик яққол намоён бўлаверади. Бу гап табиатнинг муайян бўлаги — ҳашаротлар оламига ҳам тўла тааллуқли. Уларнинг фойдаларини зарарлиларига қарши қўйиш йўлларини топиш, яъни биологик кураш қишлоқ хўжалигини илдам тараққий эттириш, мўл-кўл озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар етиштириш йўлида муҳим тадбирлардан биридир.

Ш. ИСЛОМОВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ биология-тупроқшунослик факультетининг ассистенти.



● **ПОЙТАХТНИНГ Фрунзе районидаги 89-мактабда сиёсий маориф кабинети ишга яхши йўлга қўйилган. Бу ерда пропагандистлар сиёсий ўқув машғулотларини ўтказиш учун турли адабиётлар билан таништадилар, методик консультациялар оладилар. Суратда: мактаб илмий бўлим мудири М. Мастов пропагандистлар билан суҳбат ўтказяпти.**

У. Усмонов фотоси.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

МУРАББИЙ, МАСЛАҲАТГЎЙ

КОММУНИСТ Сиддиқ Маҳмудовнинг тажрибаси ҳаммани қизиқтириб қолди. У бошлиқ бригада аъзолари бир ердан икки эмас, балки уч марта ҳосил олиш бўйича ташаббус билан чиқиб, қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Дастлаб яхшилаб тайёрланган ерга плёнка остига эртаги редиска уруғи сепилди. Ҳосил олингач, ўрнига бодринг экилди ва ниҳоят чорва учун рапс етиштирила бошланди. Шу тариқа ҳар гектар ердан ўртача 500 центнердан ошириб маҳсулот йиғиштириб олинди.

С. Маҳмудов бригадаси бундай юқори натижаларга эришишда партия маорифи системасида ўз билим ва тажрибасини ошириб бораётгани ҳам муҳим роль ўйнади. У узоқ йиллардан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Машғулотлардан бирида ўн биринчи беш йиллик планини уч йилда бажаришга қарор қилганини айтган эди. Сиддиқ ака пропагандист Иброҳим Аббосов билан биргаликда ана шундай натижага эришишнинг ҳамма томонларини ҳисоблаб чиқиб, ўз сўзини аниқ рақамларда асослаб берди. Мана энди янги ўқув йили машғулотида берилган ваъдасининг устидан чиққанлиги маълум қилинди. У етакчилик қилаётган коллектив давлатга беш йиллик пландаги 3760 тонна ўрнига 5000 тоннадан ортиқ сабзавот топширди.

Пропагандист Иброҳим Аббосов Калинин районидаги «Москва» колхозида «СССР Озиқ-овқат программаси» курси машғулотларига раҳбарлиқ қилмоқда: У ҳар бир ўтиладиган машғулотни ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб боради. Натижада машғулотларнинг таъсирчанлиги ортмоқда. Тингловчилар уларга қизиқиш билан қатнашмоқдалар. Айниқса, Бўри Норметов, Тўра Шомаҳмудов, Раҳматжон Ҳомиджонов, Сиддиқ Маҳмудов ўзларининг олган билимларини ишлаб чиқаришда самарали қўлламоқдалар.

Колхоз райондаги юқори ҳосилли хўжаликлардан бири-дир. Бу йил ҳар гектар ердан ўртача 500 центнердан сабзавот етиштирилди. Эришилган ютуқда пропагандист И. Аббосовнинг ҳам ҳиссаси бор. У раҳбарлик қилаётган курсда 33 нафар тингловчи шуғулланади. Пропагандист уларнинг ҳар бирини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам тингловчиларга амалий топшириқлар бераётганида уларнинг қизиқиши ва лаёқатини ҳисобга олади.

Пропагандист машғулотларга лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганларга алоҳида эътибор беради. Тингловчи Ж. Шерматов ана шундайлардан бири эди. У мавзуларни яхши ўзлаштирмас, пропагандистга саволлар билан мурожаат этмасди. Шунда И. Аббосов тингловчи ишлайдиган бригадада бўлди. Шийлонда бир пиёла чой устида суҳбатлашди. Бригадада меҳнатнинг қандай ташкил этилганлигини ўрганиб, келгуси машғулотда сўзлаб беришни илтимос қилди. Бу Ж. Шерматовни қизиқтириб қўйди. Аста-секин сиёсий маориф машғулотларида актив иштирок эта бошлади. Ўз бригадасида меҳнат интизомининг мустаҳкамланишига маълум даражада ҳисса қўшди.

Моҳир пропагандист тингловчиларнинг яхши маслаҳатчисига айланиб қолган. Кишилар унга турли масалалар бўйича мурожаат қилишади. Қолаверса, И. Аббосовнинг ўзи ҳам одамларга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр.

Ўтган йили механизатор У. Илҳомов гараждагиялар ўз меҳнатига яраша ҳақ ёзишмаётгани учун аралаб колхоздан кетмоқчи бўлди. Бу механизатор хўжаликда узоқ вақтдан бери ишлаб келарди. Қадрдон колхозини ташлаб кетиш қанчалик оғир бўлса ҳам шундай қарорга келгани Иброҳим акани ташвишга солиб қўйди. Гаражга бориб ҳисоб-китоб масаласи билан шахсан ўзи қизиқди. Трактор-чининг ҳақини ундирib беришга кўмаклашди. Натижада У. Илҳомов яна ўз хўжалигида ишлай бошлади.

И. Аббосов мана қарийб 30 йилдирки шонли партия сафида. Шундан чорак асрга яқин умрини масъулиятли партия топширигига бағишлади. У қалб даъвати билан кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ҳиссасини қўшмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари ҳақли равишда уни мураббий ва маслаҳатгўйимиз дейишади.

А. ХАТАМОВ,
Калинин райони.

ЯНГИ АВТОПОЕЗДЛАР

Ўрта Чирчиқ районидаги 56-автокорхона яқинда ўз техникасини иккита — бир йўла 42 тонна юк ташувчи автопоездлар билан бойитди. Янги автомашиналар Тошкент—Бухоро маршрути бўйлаб қатнамоқда.

56-автокорхона коллективи ишлаб чиқаришда ҳам катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Илғорлар ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планидан ташқари минглаб тонна халқ хўжалик юкларини манзилларига етказиб бердилар. Натижада, белгиланган дан 170 минг сўмлик кўп фойда олинди.

Коллектив социалистик мусобақани қизғин авж олдириб, шундай муваффақиятларга эришмоқда. А. Отабеков, Я. Луфтов, О. Олимов каби 16 нафар ҳайдовчи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариб, умум ютуққа муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Б. СОЛИҲОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«ҚАЙСИ БИРИГА ИШОНАЙЛИК?»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 28 июнь сонида босилган «Қайси бирига ишонайлик?» сарлавҳали мақолада ҳозирги кунниинг долзарб масалаларидан бири — чорвадорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласи кўтарилган эди.

Ушбу мақола юзасидан Пискент район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ У. Баҳодировдан жавоб хати олдик. Райондаги Свердлов номли колхозда чорвачиликни жадал ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган меҳнаткашларга яхши шароит яратилмаганлиги тўғри танқид қилинган, — дейилади унда. — Мақола район партия комитетида атрофлича муҳокама қилинди. Колхоз партия ташкилотининг секретари И. Қурбонов, ферма мудири А. Умиров ўртоқлар газетада кўрсатилган камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилангани тўғрисида ахборот беришди. Жумладан, дам олиш хонаси қайтадан жиҳозланди. Газета-журналларни ўз вақтида келтиришни назорат қилиш чорвачилик цех партия ташкилоти зиммасига юклатилди. Сут-товар фермасига олиб борувчи йўлга шағал ётқизилиб, асфальтланди. Фермадаги ҳисоб-китоб ишлари йўлга қўйилди. Шу кунгача колхоз бўйича пландаги 4600 тонна ўрнига 5205 тонна дағал хашак жамғарилди. Бу 1982 йилдагига нисбатан 1465 тонна кўпдир. Сенаж тайёрлаш йиллик плани 248 процентга етди. Хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш бўйича яхши кўрсаткичларга эришилмоқда.

Чорвадорларга хизмат кўрсатишни сусайтириб юборганлиги учун колхоз партия ташкилотининг секретари И. Қурбонов огоҳлантирилди.

ПАХТАМИЗ—БАХТИМИЗ

ЭСИМНИ таниганимдан бери пахта далаларида меҳнат қилиб бахтимни топдим. Тўғри, бугунги кунга келиб пахтачиликдаги асосий ишларни техника бажаряпти. Лекин бизларга ҳам юмуш топилади. Ғўзани ягона қилишдан бошлаб, ёз бўйи бегона ўтларга қарши курашда, чеканка қилиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳам колхозчиларнинг қўл меҳнатига эҳтиёж бор.

Айниқса, бу йилги шароитда қўл теримини кенг кўламда авж олдиришга тўғри келди. Ҳосил тақдири техника воситалари билан бир қаторда колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, шаҳарлик ҳашарчиларнинг ҳам меҳнатига боғлиқ бўлиб қолди.

Т. Аҳмадалиев бошчилик қилаётган бригадамизнинг совхозимизда биринчилар қатори йиллик планни бажаришида ҳам кўпмингкилограммчи чевар теримчиларнинг қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди. Мен мавсумда 16 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган эдим. Бу ваъдамни ёруғ юз билан бажардим. Фотима Мусаева, Санобар Абдуқодирова, Муборак Аҳмедова, Иноят Қурбонова сингари чевар теримчиларимиз ҳам мавсумда 8 тоннага етказиб шахсий хирмон уйишди.

Далаларимизда ҳамон қизғин меҳнат давом этяпти. Эндиги мақсадимиз карталарни тезроқ ҳосилдан тозалаб, келгуси йил учун ҳам пухта замин яратишдир.

Каромат ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Оққўрғон районидаги «Оқ қўрғон» совхозининг чевар теримчиси, қаҳрамон она.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ЎЙЛАБ

ЧЎЛДА ЧИНИҚҚАНЛАР

ЯҚИНДА ёғиб ўтган момиқ қор дала ва боғларни оппоқ либосга буркади. Лекин унинг либоси ҳали жуда харир эди. Саҳий қуёш йилт этди-ю, қиш қўйлагига парча-пурча, қора-кура ямоқ тушди. Ҳали саратон тафти аримаган қақроқ тупроққа шунчаки ҳовур бўлди, холос.

Ёғиб ўтган қор аллақачонлар довон ошиб қўйган «Гулистон» совхози миришкорларини ҳатто сергаклантирди ҳам. Чунки ана шу ёғиндан сўнг ғаллазорлар яшил рангга кира бошлади. Кузги буғдой экилган майдонлар ҳозир 220 гектардан ошади. Унинг саҳни янги ерлар ҳисобига йилдан-йил кенгайиб бормоқда. Совхоз ғаллакорлари бу йил баҳор фасли жуда қуруқ келганлигига қарамай пландан оширди дон янчдилар.

Йил умуман деҳқончилик учун жуда оғир келди. Сув тақчил бўлди. Қўриқ ерда жойлашган совхоз учун бу, айниқса, жиддий синов эди. Чўлда меҳнат қилиб чиниққан, ҳар қандай қийинчиликларни мардона енгиб ўрганган совхоз ишчилари бу сафар ҳам ҳосил тақдири учун бир жон, бир тан бўлиб курашдилар ва бепоён далаларда боғларда мажбуриятга яраша мўл ноз-неъмат етиштирдилар.

Шаҳарлик меҳнаткашлар дастурхонига 55 ўрнига 350 тонна картошка, 260 тонна сабзи, 2150 ўрнига 2400 тонна полиз маҳсулотлари, 560 тонна мева, 550 тонна узум ҳамда пландагидан анча зиёд паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бердилар. Гўшт топшириш плани 250 процент, тухум топшириш плани 222 процент адо этилди.

Чўл шароитида меҳнат қилиш, айниқса, дала-боғлардан баракали ҳосил хирмони кўтариш жуда машаққатли иш. Лекин шундай бўлса-да, совхозда оғир чўл шароитида ҳам экин билан бемалол тиллаша оладиган ажойиб ҳосил усталари оз эмас. 1-бўлимдан — узумчилик бригадаси бошлиғи Ваҳпи Булиев, полизчилик бригадаси бошлиғи Сейфи Абдуллаев, иккинчи бўлимдан — узумчилик бригадаси бошлиғи Азим Шербоев, сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Юсуф Избосқоров ва бошқалар ана шундай моҳир миришкорлар жумласидандир. Бу омилкорлар бошлиқ коллективларда узум ҳосилдорлиги мўлжалдагидан 13 центнер, сабзавот ҳосилдорлиги 40 центнер, полиз маҳсулотлари ҳосилдорлиги 61 центнер юқори бўлди.

Хўш, бу илғор бригадалар бундай муваффақиятларга қандай қилиб эришишяпти?

Аввалambor улар ерни, нав-ниҳолларни меҳр қўйиб тўқиб ардоқлашяпти. Долзарб кунларнинг қадрига етиб, ҳар бир агротехник тадбирни ўз муддатида, ишнинг кўзини билган ҳолда омилкорлик билан амалга ошириб келишяпти. Мана шу кунларда ҳам миришкорларнинг даласи уйғоқ, одамларда тиним йўқ. Токларни кўмиш, мевали дарахтларга шакл бериш, улар қатор оралариии ҳайдаб юмшатиш, далага кўпроқ маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқариш керак. Хуллас, ҳақиқий соҳибкору-деҳқон учун далада иш юмуш ҳамма вақт етарли.

Ҳозир совхозда кузги-қишки дала ишлари авжида. Шудгор тугалланган, токлар қирқилиб, усти ёпилган бўлса-да, ҳайдов тракторларининг гурунги тинган эмас. Азамат механизаторлар қатор ораларини чуқур юмшатишяпти. Тележкалар далага ўғит ташияпти. Бу йил куз-қиш мавсуми дала бошларига 1500 тонна ўғит чиқарилиши, 500 гектар ер озиқлантирилиши, 489 гектар токзор ва 420 гектар боғ қатор оралари юмшатилиши, 100 гектар ернинг шўри ювилиши лозим. Бу муҳим агротехник тадбирлар ҳозир поёнига етказилаяпти. Чўлқуварлар келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирлашяпти.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.
Бўка райони.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 6 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилгани (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:

«Коммунизм»	137,86	146,13	Бўка
«Октябрь 40 йиллиги»	131,11	138,04	Бўка
Фрунзе номли	129,65	134,88	Бўка
«Партия XIX съезди»	126,30	122,25	Бўка
«Ленинизм»	125,44	121,98	Бўка
«Политотдел»	122,97	128,15	Коммунистик
Ленин номли	120,48	94,55	Бекобод
«Победа»	120,23	100,28	Ғалаба
Свердлов номли	119,88	101,73	Пискент
«Ленинизм»	117,91	145,61	Оққўрғон
«Ленинский путь»	115,17	119,51	Коммунистик
«Коммунизм»	113,86	85,31	Янгийўл
Навоий номли	113,39	174,73	Оққўрғон
Охунбобоев номли	112,98	113,91	Ўрта Чирчиқ
Ҳамза номли	112,87	110,57	Бўка
Ленин номли	112,04	79,00	Янгийўл
Тимирязев номли	111,86	116,93	Бўка
«Ленинобод»	111,19	106,11	Бўка
Навоий номли	111,16	91,68	Чиноз
«Коммунизм»	111,06	72,49	Ўрта Чирчиқ
Икромов номли	109,81	104,05	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	109,67	74,80	Пискент
«Ленинград»	108,89	72,34	Ғалаба
Ғазамбул номли	107,85	105,15	Бўка
«Коммунизм»	107,36	76,25	Оққўрғон
Энгельс номли	107,36	77,42	Ғалаба
Охунбобоев номли	107,12	96,39	Чиноз
«Ленин йўли»	106,94	114,13	Ўрта Чирчиқ
Мичурин номли	106,47	99,68	Бўка
Куйбишев номли	106,28	112,88	Ўрта Чирчиқ
Калинин номли	106,20	91,88	Пискент
«Партия XXII съезди»	106,20	62,98	Ўрта Чирчиқ
«Октябрь 40 йиллиги»	106,17	82,29	Чиноз
«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	106,05	100,00	Чиноз
К. Маркс номли	105,48	91,40	Чиноз
Свердлов номли	105,45	59,58	Ўрта Чирчиқ
Энгельс номли	105,33	77,21	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	104,97	106,35	Оққўрғон
Ильич номли	104,83	103,17	Бўка
«Ўзбекистон»	104,40	100,36	Коммунистик
«Партия XXI съезди»	104,21	106,50	Янгийўл
«Ленин йўли»	104,01	94,12	Бўка
«Правда»	103,91	110,02	Коммунистик
«Победа»	103,86	27,11	Бекобод
«Партия XX съезди»	103,59	95,37	Бўка
Вотинцев номли	103,55	83,71	Оққўрғон
Навоий номли	103,31	25,17	Бекобод
Коммунизм	103,05	64,23	Бекобод
Дзержинский номли	102,68	86,99	Бекобод
«Озод»	102,68	101,22	Оққўрғон
Ленин номли	102,58	100,91	Ўрта Чирчиқ
Терешкова номли	102,35	78,99	Ўрта Чирчиқ
«Қизил Октябрь»	102,24	92,78	Чиноз
Калинин номли	102,04	88,00	Янгийўл
«Заря коммунизма»	101,95	110,18	Ғалаба
К. Маркс номли	101,59	81,40	Коммунистик
Энгельс номли	101,50	32,48	Чиноз
Свердлов номли	101,41	99,84	Коммунистик
Куйбишев номли	101,40	101,37	Оққўрғон
«СССР 60 йиллиги»	101,29	100,44	Янгийўл
«Гулистон»	101,06	72,90	Пискент
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	100,77	74,24	Пискент
Ниёзов номли	100,69	86,06	Янгийўл
«Ленинобод»	100,44	84,25	Оққўрғон
Ленин номли	100,41	73,50	Пискент
К. Маркс номли	100,31	91,04	Бўка
Ким Пен Хва номли	100,20	76,93	Ўрта Чирчиқ
К. Маркс номли	100,06	94,82	Ўрта Чирчиқ
Ҳ. Олимжон номли	99,90	103,07	Оққўрғон
Киров номли	96,59	52,34	Ғалаба
Киров номли	95,68	65,14	Чиноз
«Москва»	94,50	82,22	Чиноз
Турсунқулов номли	91,49	58,76	Янгийўл
«Ленинизм»	90,89	86,50	Янгийўл
«Интернационал»	90,09	85,69	Янгийўл
Димитров номли	89,03	57,29	Ғалаба
«Партия XXII съезди»	88,65	78,96	Оққўрғон
Ҳамза номли	88,12	60,48	Ғалаба
«Москва»	87,30	54,05	Ғалаба
«Северный маяк»	85,18	43,79	Ўрта Чирчиқ
Свердлов номли	82,61	83,34	Ғалаба
Ленин номли	81,43	87,95	Ғалаба
Тельман номли	69,28	41,13	Пискент

СОВХОЗЛАР:

Сегизбоев номли	110,23	126,61	Оққўрғон
«Партия XXVI съезди»	107,92	65,58	Пискент
«Оққўрғон»	107,77	116,60	Оққўрғон
«Ленинград»	107,62	52,67	Бекобод
Мавлонов номли	106,09	96,95	Бекобод
«Партия XXIV съезди»	105,99	0,92	Чиноз
«Партия XXV съезди»	105,88	83,59	Бекобод
«Далварзин»	105,62	89,02	Бекобод
Колшакова номли	105,55	50,78	Бекобод
Бўка техникумни ўқув хўжалиги	104,44	77,14	Бўка
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	103,41	77,24	Ғалаба
«Пискент»	103,38	54,87	Пискент
САМИС	102,80	105,50	Янгийўл
«Бўка»	101,69	85,53	Бўка
«Авангард»	101,39	74,25	Бекобод
«Кўкорол»	100,39	93,06	Бўка
Ойбек номли	100,06	92,55	Бекобод
ТИИИМСХ ўқув хўжалиги	100,03	85,97	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	81,38	50,30	Ғалаба
Киров номли ўқув хўжалиги	80,21	43,15	Ғалаба

ТЕЖАШ ҲИСОБИГА ИШЛАЙДИ

Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси йилнинг сўнгги ҳафтасида беш йиллигининг учинчи йилида социалистик мусобақа давомида тежаб қолинган электроэнергия ҳисобига ишлайди. Химиклар биринчи январдан бошлаб, қарийб 50 миллион киловатт соатни тежаб ўз мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Энди энергия сарфи белгиланган асосий нормадан анча кам сарфланаётган бўлганлиги учун азотли ўғитнинг ҳар бир тоннаси пландагидан анча арзонга тушмоқда, қўшлаб маблағ тежаб қолинмоқда.

Бирлашманинг қўшлаб коллективлари ва хизмат ходимлари бу муваффақиятга ҳисса қўшдилар. Масалан, инженер-энергетиклар электроэнергияни янада оқилона тақсимлаш тўғрисида қайғудилар: энергия билан ишлайдиган қўшлаб қурилмалар ва аппаратлар «тиғиз» вақтларда профилактика учун токдан узиб қўйилади, энергия системасида энергия сарфи энг камайган вақтда бу аппаратлар тўла қувват билан ишлай бошлайди. Бу эса айни вақтда аммиак ишлаб чиқарувчи учта технология линиясида 20 минг киловатт-соатдан кўп энергияни тежашга имкон беради. Бу билан фойдаланувчилар ҳисоб режимига қатъий риоя этадиган, энергияни ортиқча сарфлаш ҳолларига йўл қўймайдиган бўлишди. Меҳнатнинг пировард натижалари учун коллективнинг жавобгарлигини жорий этиш бу муваффақиятга эришишда ёрдам берди. Буғ сарфини қаттиқ контроль қилиш, унинг нобуд бўлишига қарши кураш, иккиламчи иссиқликдан фойдаланиш ҳам жуда катта иқтисодий самара келтирди.

«Электрохимпром» меҳнаткашлари ҳозиргача республика деҳқонларига планга қўшимча равишда 15 минг тоннадан кўп ўғит етказиб бердилар. Йил охиригача қўшимча яна бир нечта эшелон шу маҳсулотни жўнатиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

БОҒЛАРИМИЗ БАРАКАСИ

ЎН БИРИНЧИ беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йилида боғларда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашдик. Соҳибкорларимиз эл дастурхонини янада тўкин қилиш учун барча агротехник тадбирларни юксак сифатли амалга оширдилар. Бунинг натижаси қувончли бўлди. Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишни ҳам уюшқоқлик билан ташкил этдик. Бригадалар, теримчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилди.

Бу меҳнат беллашувида Мутал Доннёров бошлиқ бригада азаматларн пешқадамликни қўлдан беришмади. Бу коллектив мевазорларида, айниқса, мўл ҳосил етиштирилди. Уни тўла йиғиштириб олган бригада ишчилари йиллик планни 242 процент бажардилар.

Район партия комитетининг аъзоси Баян Тўрабекова етакчилик қилаётган бригадада ҳам йиллик план икки ҳисса оширб бажарилди. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириғини уч йилда адо этдилар. Бўлимимиз бўйича 905 тонна ўрнига 1609 тонна мева етиштирилиб давлатга сотилди. Жумладан механизаторлар дастурхонига 150 тонна олхўри, 52 тонна шафтоли, 8 тонна олча тортиқ қилинди. Салкам 4 минг тонна сабзавот маҳсулотлари сотилиб, бу борадаги топшириқ ҳам ортиғи билан уддаланди.

Бу рақамларда лабзи ҳалол соҳибкорларимизнинг катта меҳнатлари ўз ифодасини топган. Улар об-ҳаво мураккабликларини, сув танқислигини мардонавор енгдилар. Барча тадбирларни янада омилкорлик, ҳамжиҳат бўлиб бажардилар.

Соҳибкорларимиз келгуси йил мўл ҳосили учун курашни ҳозирданоқ бошлаб юбордилар. Дарахтларга ишлов бериш қизғин олиб борилмоқда. Бундан ташқари ёш боғларимиз қатор ораларига чорва учун оралиқ экинлари экилмоқда. Бўлимимиз меҳнаткашлари қиш фаслини ҳам иш фаслига айлантириб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказадилар.

Х. ТИШОНОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводининг бўлим бошқарувчиси.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЎЛА РАВИШДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

ПРАГА. ЧССР ва Куба ташқи ишлар министрлари Богуслав Хнеупек ва Исидоро Мальмиерка Прагада бошланган музокаралар чоғида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини тўла равишда қўллаб-қувватлаганликларини билдирдилар.

Улар Ғарбий Европада Америкаиинг ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталари жойлаштирилиши, мавжуд ҳарбий стратегик мувозанатни бузишга ва СССР ҳамда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига нисбатан ҳарбий устунликка эришувга қаратилганлигини уқтириб ўтдилар. Шу муносабат билан министрлар СССР ва унинг иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ю. В. Андропов Баёнотида кўрсатиб ўтилган тадбирларни табрикладилар.

Томонлар Вашингтон олиб бораётган агрессив сиёсат халқаро кескинликнинг кучайишига сабаб бўлганлигини таъкидладилар. Улар АҚШнинг Гренадага қурол билан бостириб кирганлигини, Рейган маъмурияти Куба, Никарагуага, Сальвадордаги миллий-озодлик ҳаракатига таҳдид қилаётганлигини, АҚШнинг бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашаётганлигини қатъиян қоралдилар.

АҚШНИНГ ҚЎПОРУВЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ФОШ БЎЛДИ

ЛА-ПАС. Боливия коммунистик партиясининг органи «Унидад» газетаси Боливияни демократлаштириш жараёнини бузиш ва бу ерда ўнг тўнтариш учун шароит яратиш соҳасида АҚШнинг қўпорувчилик фаолиятини фош қилиб чиқди. Газета ўзининг редакцион мақоласида Қўшма Штатлар кейинги вақтларда маҳаллий тескарични кучлар ёрдамида Боливияда сиёсий пароканделикни келтириб чиқаришга уринмоқда. Америкаликлар назоратидаги халқаро молия ташкилотлари томонидан иқтисодий саботаж билан бир қаторда оқ уй ҳозирги конституцион ҳукуматни ағдариш режаларини тузмоқда. Америка империализми бундай тактикани Чилида, Гватемалада, Доминикана республикаси, Никарагуа ва бошқа мамлакатларда неча марталаб ишлатиб кўрди.

Газета Боливиянинг демократик кучлари бирлигини мустаҳкамлашга ва АҚШ империалистик доираларининг ҳамда малайларининг ёвуз кирдикорларини барбод этишга чақиради.

(ТАСС).

СОВЕТЛАР ЭЛИНИНГ ШИФОКОРЛАРИ

Афғонистондаги совет қўшинлари чекланган қисмларининг ҳарбий медиклари интернационал бурчларини адо этиб, шараф билан муносиб хизмат қилмоқдалар. Улар кўпгина яхши ишларни бажардилар. Кечаю-кундуз АДР жангчилари ва граждан аҳолисига малакали медицина ёрдами бермоқдалар.

1. АФҒОН ҚИЗИ ВИКТОРИЯ

Кеч тунда тоғлар орасидаги қишлоқдан медицина пунктига тўлғоқ тутаётган аёл келтирилди. Унинг аҳволи ғоятда оғир эди. Ҳар бир дақиқа ғанимат. Хирург врач медицина хизмати капитани В. Колесников ёш она ва унинг боласини қутқариб қолиш учун операция қилишига тўғри келди.

Ҳамма иш кўнгилдагидек бажарилган бўлиб туйилди-ю, лекин чақалоққа ҳаёт аломатлари йўқ эди. Шунда анастезиолог врач, медицина хизмати капитани А. Лесько мураккаб аппаратларни ишга солди ва шу заҳоти чодирдаги «медицина пункти»да бола товуши эшитилди.

Бахтиёр ёш она ҳам тезда оёққа турди. У қизига совет хирурги Виктор Колесников шарафига Виктория деб ном берди.

2. ВАҚТИДА ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Босмачи тўдаларини тормор келтириш учун олиб борилган жангда афғон батальони штабининг бошлиғи капитан Ғани Аҳмадулло яраланди. У оғир аҳволда совет қўшинлари чекланган қисмларининг медицина пунктларидан бирига келтирилди. Орадан бир неча минут ўтгач, хирург катта лейтенант В. Кобиашвили, медицина ҳамширалари Т. Гайсенко ва Т. Федун операция столи ёнига ўтдилар. Операция қарийб тун бўйи бўлди ва муваффақиятли чиқди. Ҳозир капитан Ғани Аҳмадулло сафга чиқиб кетди. У ҳалоскорларини тез-тез келиб кўриб туради.

3. АМИНУЛЛОНИ УНУТИШГАНИ ЙЎҚ

Саккиз яшар Аминулло қўшни қишлоққа бора туриб, йўлда душманлар қўйиб кетган минанң босиб юборди... Бола яқин атрофдаги совет қисмининг медицина пунктига оғир аҳволда келтирилди. Майор Н. Норхўжаев бошчилигидаги врачлар анча қийналишди — бола хушидан кетган — клиник ўлим ҳолатида эди. Медиклар боланинг ҳаёти учун тун бўйи курашишди.

Болани қутқариб қолиш учун қон керак бўлиб қолди. медиклар солдатларга мурожаат этдилар. Шунда ротанинг бутун шахсий составн бир қадам олға ташлади. Афғон болани қутқариб қолиш учун солдатлардан Ф. Уваркин, А. Смирнов ва бошқалар қон бердилар. Қариндошларининг илтимосига биноан Аминулло тамоман тузалиб кетиш учун госпиталга юборилди.

(ТАСС).

ВАШИНГТОН ҲАДДИДАН ОШМОҚДА

АНТАНАНАРИВУ. Америка империализми агрессивлигининг кучаяётганлиги ҳар бир соғлом фикрли кишининг қаҳр ва ғазабига сабаб бўлмоқда, деб ёзади Малагасияда чиқадиган «Имунгу ваувау» газетаси. Вашингтон Ғарбий Европада ва Америкада, Яқин Шарқда ва Африкада кескинлик ўчоқларига ўт қўймоқда. АҚШ бошлаб бераётган маҳаллий низолар, деб таъкидлайди газета, ялпи ядровий фалокатга айланиш хавфини туғдирмоқда.

АҚШнинг ҳарбий тайёргарлиги, деб ёзади «Имунгу ваувау» газетаси, Африка халқлари учун айниқса хавфлидир. Вашингтон бошлаб бераётган ядровий муҳолифлик бутун инсониятнинг ҳалокатини билдиради. Бундан ташқари Африкадаги ва Ҳинд океани ҳавзасидаги кўп мамлакатлар, шу жумладан Мадагаскар, АҚШнинг стратегик иттифоқчиси — ўз ядровий қуроли билан неча марталаб мақтанган Жанубий Африка республикаси ирқчи режимига яқин жойда турганлиги айниқса хавфлидир.

Шундай бир вазиятда СССРнинг тинчликсевар, чуқур реалистик, изчил позицияси алоҳида аҳамият касб этади. СССРнинг қудратли иқтисодий ва мудофаа потенциали АҚШдаги ҳарбий авантюра ишқибозларининг эс-хушини жойига келтириб қўйишга қодирдир.

КЕСКИН ИХТИЛОФЛАР ВАЗИЯТИДА

АФИНА. Европа ҳамжамияти кенгашининг сессияси бу ерда кескин ихтилоф вазиятида ўтмоқда. Сессияда «Умумий бозор»га аъзо бўлган ўнта мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари қатнашмоқдалар.

Буюк Британия расмий вакилининг айтишича, «олий даражадаги учрашувда ҳозирча кўп натижаларга эришилгани йўқ». Сессияда қатнашган бошқа давлатлар мансабдор шахсларининг сўзига қараганда, Европа иқтисодий ҳамжамиятининг ягона қишлоқ хўжалик сиёсатига ва бюджетини ислоҳ қилишга доир масалалар юзасидан ихтилофларнинг ҳал этилиши гумон. Ҳамжамият Европа кенгаши аллақачонлардан бери ўз фаолияти учун керакли маблағлар ғоят етишмаётган бир вазиятда ишлаб турибди. Айниқса Англия билан Франция ўртасида энг жиддий келишмовчиликлар давом этмоқда.

(ТАСС).



● АМЕРИКА Қўшма Штатлари Гренадада террор ва зўравонлик сиёсатини ўтказмоқда. Бу ерда маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий тинтувлар, қамоққа олишлар ўтказиляпти. «Тайм» журналидан олинган ушбу суратда америкалик босқинчиларнинг ана шундай зўравонлиги акс эттирилган.

ТАСС фотохроникаси.

СИОНИСТЛАРГА ҚАРШИ

ДАМАШҚ. (ТАСС). Иорданинг дарёсининг Исроил қўшинлари босиб олган ғарбий соҳилида вазият яна кескинлашди. Босқинчи маъмурлар Наблус шаҳрида Ан-Нажах университетини қуршаб олдилар ва қурол ишлатиш билан дўқ қилиб, бирорта кишини ҳам бинодан чиқармаяптилар. Улар шаҳар чеккасида Исроилнинг иккита янги ҳарбийлаштирилган манзилгоҳини қуриш тўғрисидаги қарорга қарши норозилик белгиси остида араб студентлари ўтказмоқчи бўлган намойишни барбод этишга уринмоқдалар. Наблус шаҳрида исроилликларнинг бундай ҳаракатидан ғоят ғазабланмоқдалар. Бу ерда сионистларнинг ҳатти-ҳаракатига қарши бир қанча намойиш бўлиб ўтди. Шаҳарга шошилинч равишда армия бўлинмалари ва позиция кучлари олиб келинмоқда, деб хабар беради Фаластиннинг ВАФА ахборот агентлиги.

ЖАЗО АППАРАТИНИ ТУЗМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Гренадада хўжайинлик қилаётган америкалик интервенциячилар оролни мустамлака қилиб олишнинг навбатдаги босқичига—оккупациячи ҳарбий полицияни тузишга киришдилар. ЮПИ агентлигининг Сент-Жоржесдан хабар беришича, бутун мамлакатда шошилинч равишда асосан америкалик ҳарбий хизматчилардан иборат ҳарбий полиция қисмлари ташкил этилмоқда. Аслида гап босқинчиларнинг формасини ўзгартириб, Гренадани оккупация қилиб туришни абадийлаштиришга уриниш тўғрисида бормоқда.

«Чикаго Трибюн» газетасининг Сент-Жоржес шаҳридаги мухбири Гренадада жазо аппаратини тузишга америкалик ҳарбийларни мажбур қилган сабаблар тўғрисида ёзади. Босқинчи қўшинлар маҳаллий аҳолининг тобора кучайиб бораётган қаҳр-ғазабига дучор бўлмоқда, деб ёзади мухбир. Интервенциячилар вакили генерал-майор Д. Фрейнинг эътироф этишича, мамлакатнинг бориш-қийин бўлган районларида босқинчиларга қаршилик кўрсатиш давом этмоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СССР ва Сурия журналистлар союзлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

САР журналистлар союзи ижроия комитетининг раиси Собир Фалхут битимни имзолаш маросимида сўзга чиқиб, Сурия халқи дўст Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганлигини таъкидлади.

● ГАВАНА. Кариб ҳавзаси ва Марказий Америкадаги ўн мамлакат энг йирик касаба союзларининг раҳбарлари Америкаиинг 572 та ракетаси Европада жойлаштирила бошланганлиги инсониятни ядровий фалокат сари бошлаб, тинчликка ғоят катта хавф солаяпти, деб таъкидладилар. Куба пойтахтида бўлиб ўтган кенгашда қабул қилинган декларацияда улар барча қитъалардаги касаба союзларини, демократик ва бошқа илғор ташкилотларни Рейган маъмуриятининг агрессив милитаристик сиёсатига қарши курашни кучайтиришга, халқларнинг тинчликда яшашдан иборат қонуний ҳуқуқини ғоят қатъият билан ҳимоя қилишга даъват этдилар.

● ПАРИЖ. Неча ўн минглаб француз деҳқонлари Европа иқтисодий ҳамжамиятининг олий органи—ҳамжамият Европа кенгаши сессияси Афинада очилганлиги муносабати билан «Умумий бозор»нинг «ягона» қишлоқ хўжалик сиёсати деб аталмиш сиёсатга қарши норозилик намойишларида иштирок этдилар.


Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига адолатли харид нархларини белгилаш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ва Европа иқтисодий ҳамжамиятининг кенгайтирилишига қарши эҳг катта намойишлар Франциянинг жанубий районларида бўлиб ўтди. Испания билан Португалия «Умумий бозор»га аъзо бўлган тақдирда мамлакат жанубидаги қишлоқ меҳнаткашлари биринчи навбатда зарар кўрадилар. Намойишчиларнинг қатнашчилари ҳукуматнинг сиёсатини ҳам танқид қилдилар. Уларнинг фикрича, ҳукумат ҳамжамият доирасида француз деҳқонларининг манфаатларини етарлича самарали ҳимоя қилмаяпти.

● ДАМАШҚ. Бу ерда лигини таъкидлади.

ҲАЗОН АППАРАТИНИ ТУЗМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Гренадада хўжайинлик қилаётган америкалик интервенциячилар оролни мустамлака қилиб олишнинг навбатдаги босқичига—оккупациячи ҳарбий полицияни тузишга киришдилар. ЮПИ агентлигининг Сент-Жоржесдан хабар беришича, бутун мамлакатда шошилинч равишда асосан америкалик ҳарбий хизматчилардан иборат ҳарбий полиция қисмлари ташкил этилмоқда. Аслида гап босқинчиларнинг формасини ўзгартириб, Гренадани оккупация қилиб туришни абадийлаштиришга уриниш тўғрисида бормоқда.

«Чикаго Трибюн» газетасининг Сент-Жоржес шаҳридаги мухбири Гренадада жазо аппаратини тузишга америкалик ҳарбийларни мажбур қилган сабаблар тўғрисида ёзади. Босқинчи қўшинлар маҳаллий аҳолининг тобора кучайиб бораётган қаҳр-ғазабига дучор бўлмоқда, деб ёзади мухбир. Интервенциячилар вакили генерал-майор Д. Фрейнинг эътироф этишича, мамлакатнинг бориш-қийин бўлган районларида босқинчиларга қаршилик кўрсатиш давом этмоқда.



● **ТОШКЕНТ яқинида «Азимут—Т» космик алоқа станцияси қуриб битказилди. У республикамиз пойтахти ва Москва ўртасидаги барча тўлқинли алоқалар аниқ амалга оширилишини таъминлайди. Станция сунъий ер йўлдоши ёрдамида ишлайди. Суратда: «Азимут —Т» станциясининг умумий кўриниши.**

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

Маданият хабарлари

ИЖОДКОР ЁШЛАР— БОЛАЛАР УЙЛАРИГА

«Энг яхши нарсалар — болаларга!» деган ленинча даъват театр ва концерт ташкилотлари коллективларининг доимий шиорига айланиб қолди. Болалар уйларида тарбияланаётган ўғил-қизларда ижодкорлик қобилиятини ўстириш мақсадида Тошкент шаҳридаги санъат кошоналари қатор ибратли тадбирларни белгилади.

«Ижодкор ёшлар — болалар уйлари тарбияланувчиларига!» деган мавзуда ўтказилган Бутуниттифоқ ҳафталиги якуни ҳам эстетик-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлигини яна бир бор исботлади. Шаҳримиздаги 21-болалар уйи ҳамда 103-мактаб-интернатда, айниқса, бу борада намунали ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигига қарашли 22-болалар уйини Юнус Ражабий номидаги музика билим юрти оталиққа олган. Билим юртининг ансамбли мазкур тарбия ўчоғида концертлар намойиш этиш билан бирга бу ердаги музика тўгараги ишига яқиндан ёрдам беради.

Максим Горький номли Тошкент Давлат рус академик драма театри ҳам болалар уйида эстетик-тарбиявий ишларни олиб боришга қарор қилди.

ОРГАН ТОРЛАРИ ЯНГРАГАНДА

Тошкент Давлат консерваториясида педагоглар ижросида концертлар ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолган. Педагог Р. Каримова ижросидаги концерт номерлари кўпчилик эътиборини тортмоқда. Орган музика асбобининг моҳир ижрочиси бўлган бу таниқли санъаткор яқинда янги программада концерт тайёрлади ва Тошкент Давлат консерваторияси янги концерт мавсумининг биринчи кунида намойиш этди.

Таниқли композитор Г. Мушелнинг «Навоий хотираси» номли пьесаси ҳам программага киритилди.

«ТЕМУР МАЛИК» МУЗЕЙДА

Мухтор Ашрафий қатор йирик музика асарларини яратган. Қаҳрамонлик мавзусида ёзилган «Темур Малик» симфоник поэма-рапсодияси композиторнинг энг яхши асарларидан саналади.

Мазкур асар концерт ташкилотлари программасидан муносиб ўрин олди. Симфоник поэма-рапсодия Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик опера ва балет катта театри симфоник оркестри ижросида янграган. Ана шу асарнинг қўлёзмаси театр ходими М. Вайстух қўлида сақланиб келарди. Яқинда у мазкур музика партитурасини Мухтор Ашрафийнинг уй-музейига тортиқ қилди.

С. ОДИЛОВА.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ»

«СУВ ЖОЗИБАСИ» АТТРАКЦИОНИ

(икки бўлимда)

Раҳбар: РСФСР халқ артисти, халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслари лауреати, Европа ва халқаро «иллюзиончилар лигаси»нинг юксак мукофоти «Сеҳрли тилла таёқча» совриндори.

Илья СИМВОЛОКОВ.

Москва цирки масхарабозлари — Зиновий МАЛКОВ, Александр ТРЯПИЦИН доимо хизматда.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8, 9 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ҚЎЛЛЕКТИВЛАР ҚЎРИГИ-КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Ортиқ ОТАЖОНОВ,

Гулсара ЁҚУБОВА.

Солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Фируза СОЛИҲОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза МИРҲАМИДОВА, Нурилла ЖУМЕЗОВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА **ва бошқалар.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ «ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати — Равшаной ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — Асқарали ҲИДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983/84 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **электрпайвандчи, сувоқчи-бўёқчи, бўёқчи, электр-монтажчи, ғишт терувчи-монтажчи, дурадгор, автомашиналарни ремонт қилувчи слесарь.**

Ўқиш муддати 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақини 50 проценти билан таъминланадилар. 10-синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар, ҳарбий хизматни битириб келганларга 30 сўм миқдорида қўшимча пул тўланади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАРГА «ТАШПРОМСТРОЙ»ГА ИШГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт) шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй (17-автобуснинг сўнгги бекати, 13-трамвайнинг 2-«Шимолий шарқ» бекати). Телефон 64-18-41.

ТОШКЕНТ ЁҚИЛҒИ БАЗАСИ

АҲОЛИГА НАҚД ПУЛГА ҚУЙИДАГИ ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ

СОТАДИ

Беркитиш учун кенг бўшлиқли плиталар; тиргович плиталар; безаклар; керамзит-бетонли блоклар; ирригация лотоклари; канализация қудуқлари; переничкалар; тўсиқ панеллари; ташқи девор панеллари; ички девор панеллари; асфальт-бетон массаси; равоқ блоклари; пойдевор блоклари; шағал; тайёр бетон; цемент қоришмаси.

ЮҚОРИДАГИЛАР ҚУЙИДАГИ ЁҚИЛҒИ ОМБОРЛАРИДА СОТИЛАДИ:

1-ОМБОР — 2-Ипподром проезди, 58-уй, телефон 91-39-85.

2-ОМБОР — Уста Ширин кўчаси, 136-уй, телефон: 48-25-62.

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125-уй. Телефон: 48-46-81.

АФҒОН РУБОБИ УЧУН КУЙЛАР ТЎПЛАМИ

Афғон рубоби учун басталанган куйлар тўпламини афғонистонлик машҳур бастакор уста Муҳаммад Умарнинг «Гуллар рақси» деб аталди. Тошкентдаги Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти шарқ халқлари чолғу асбобининг кўп асрлик тарихида биринчи марта «Гуллар рақси» нотолари тўпламини босмадан чиқарди. Уни Тошкент давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси Ғуломқодир Эргашев афғон рубоби бўйича олий махсус маълумот олган биринчи созандалардандир. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, кўпгина республика конкурсларининг лауреати Ғ. Эргашев ўнлаб халқ куйларини тўплади ва нотага ёзиб олди.

(ЎзТАГ).

«Табиатни ардоқлайлик» конкурсига

ҚЎРИҚХОНА МУАММОЛАРИ

ЧОТҚОЛ тоғ-ўрмон қўриқхонаси республикамизда кўзга кўринган табиатни муҳофаза қилиш масканларидан биридир. Унинг ташкил топганига ўттиз беш йилдан ошди. Ана шу йиллар мобайнида бу ерда жуда кўп ибратли ишлар қилинди. Катта қийинчиликлар эвазига қўриқхонада ҳайвонот ва ўсимликларнинг ноёб турлари бирмунча кўпайтирилди. Ҳозир бу ерда 1200 тур ўсимлик, 160 хил қуш, 41 турга мансуб сут эмизувчи ҳайвонлар муҳофаза қилинаётир. Улар орасида СССР Қизил китобига киритилган қоплон, қўнғир айиқ, суғур каби ҳайвонлар, қора лайлак, бургут, итолғи, болтаютар сингари қушлар, ўсимликлардан эса пском пиёзи ва доланинг нодир навлари бор.

Аммо кейинги тўрт-беш йил давомида қўриқхонада ташвишли бир ҳол кузатилмоқда. Мунтазам олиб борилаётган текширишларнинг кўрсатишича, қўриқхонадаги бир қатор ўсимлик ва ҳайвонлар ҳар йили, оз бўлсада, камаймоқда.

Бундай аҳволга нималар сабаб бўлмоқда? Биз қўриқхона раҳбарлари, ўрмон қоровуллари билан шу ҳусусда суҳбатлашиб, масалани бир қадар ойдинлаштирдик. Натижада, ташвишли ҳолни юзага келтираётган айрим омиллар борлиги маълум бўлди.

ЙЎЛ ҚУРИЛДИ, БИРОҚ...

ОДАТДА қўриқхоналар тинч, овлоқ далалар, ўрмонлар ва тоғларни қамраб олади. Дастлаб Чотқолда ҳам шундай эди. Бироқ, кейинги йилларда қўриқхонанинг ҳар иккала участкасини ҳам кесиб ўтувчи иккита катта автомобиль йўллари қурилди. Бунинг оқибатида осойишталик бузилди. Бу салбий таъсир Бошқизилсой участкасида аниқ сезилмоқда.

Бошқизилсойдаги бор-йўғи икки жуфт қора лайлак бу йил ёз ойларида кўзга ташланмади. Ниҳоятда овлоқ жойларга ўрганган бу қушнинг қўриқхонани тарк этишига серқатнов машиналар шовқини сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Автомобиль йўлларининг қурилиши браконьерлар учун ов қилишнинг қулай имкониятларини ҳам яратиб берди. Ўрмон қоровули Машраб Норқўзиевнинг фикрини эшитинг:

— Эндиликда кўпчилик браконьерлар ўз машиналарида келиб, йўл-йўлакай ов қилиб кетаётир. Айниқса, кўклам кунлари лолаларни топтаб, пайҳон қилувчиларнинг сони кўпаймоқда. Бу лолаларнинг кўпайишига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, бу йўлларда турли ҳайвонларни машиналар босиб, нобуд қилиши каби ҳоллар ҳам тез-тез юз бераётир.

ЕР ОСТИДА БОЙЛИК КЎП, ЕР УСТИДА-ЧИ?

ҚЎРИҚХОНАНИНГ бойлигига зарар келтирувчи иккинчи омил сифатида бу ерда қазув-текширув ишларини олиб бораётган геологлар группаларини кўрсатиш мумкин. Улар шу ерда яшайдилар, меҳнат қиладилар. Аммо ер ости табиат бойликларини қидираётганлар ўз мақсадларига эришиш йўлида ер устидаги табиат олами билан ҳисоблашмаяптилар. Борди-ю, маълум бир нуқтада ер ости маъдани топилгудек бўлса, аввало, бу ердаги ўсимлик дунёсига катта хавф туғилади. Геологлар ихтиёридаги қудратли техника, ер қатламларини портлатувчи аппаратлар қўриқхонанинг турли бурчакларида қушларни ҳуркитиб, ҳайвонлар ҳаётини таҳликага солмоқда ниҳолларни поймол этмоқда.

КАКЛИКЛАР НЕГА ҚИРИЛМОҚДА?

ҚЎРИҚХОНА территорияси 35 минг гектарни ташкил этади. Лекин йиллар давомида бу ерда яшовчи жониворларнинг кўпайиш даражасига нисбатан унинг ҳозирги ер майдони торлик қилиб қолди. Бу айни кунлардаги танг аҳволни юзага келтирувчи учинчи — асосий омил ҳисобланади.

— Қўриқхонамиз территориясини камида бир ярим икки марта кенгайтириш зарур, — дейди биз билан суҳбатда қўриқхона директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари О. В. Савич, — акс ҳолда минглаб қушлар ва ҳатто, йиртқич ҳайвонлар ҳам нобуд бўлиши мумкин. Масалан, ҳозир Ўрта Осиёда жуда кам учрайдиган қўнғир айиқни олайлик. У ёнғоқни жуда яхши кўради. Шунинг учун тинмай ёнғоқ ахтаради. Қўриқхонадан чиқиб, аҳоли яшайдиган пунктларга яқинлашади. Шундай кезларда у ёнғоқ дарахти панасида овчиларнинг милтиғини ўқлаб, отишга шай бўлиб турганини қаёқдан билади дейсиз. Бунинг олдини олиш учун биз тоғнинг қуйи этакларидан, сойлар бўйидан ер очиб, ёнғоқзорлар барпо этишимиз керак.

Қўриқхона ер майдонининг торлиги, айниқса, каклик-ларнинг кўплаб қирилишига сабаб бўлмоқда. Ёз бўйи баланд тоғлар бағрида яйраб юрадиган какликлар қиш бошланиши биланоқ озуқа излаб, пастга тушади. Агар қиш қаттиқ келса, далаларга какликлар учун турли дон қолдиқлари сепиб чиқилади. Лекин бу етарли бўлмайди, албатта. Какликлар тобора пастлаб, қирларга, ҳатто олис қишлоқларга кириб боради. Оқибатда, уларнинг кўпчилиги қўриқхонадан узоқда овчилар тузоғига илинади ёки йиртқичларга ем бўлади. Шу сабабли қўриқхонани қуйи тоғ этакларидаги далалар ҳисобига кенгайтирилса, айни муддао бўлар эди.

Машҳур совет олими академик В. Соколовнинг таъкидлашича, кейинги икки минг йилликда ер юзидаги 250 хил қуш ва ҳайвон тақомаи қирилиб кетган. Буларнинг ярмидан кўпроғи 1600 йилдан сўнг, яъни улар ўрганила бошланганидан кейин йўқолган. Бизнинг асримизда бу жараён тезлашиб, ҳар тўрт-беш йилда бир турдаги ҳайвон ёки қуш бутунлай қирилиб битмоқда. Ана шу жиҳатдан қараганда, Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонасидаги юқорида баён этилган аҳволга сира тоқат қилиб бўлмайди. Асло кечиктирмай уни бартараф этиш чораларини кўрмоқ лозим. Бу иш тегишли давлат ташкилотлари ва жамоатчиликнинг қўриқхона коллективига ҳар томонлама ёрдам беришини тақозо этади.

А. ҲУЖАМОВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

КЕНГ ҚАЛБ ҚАРИМАЙДИ

● ЮРАГИНГНИ кўз қорачиғидек асра, чунки у ҳаётинг асосидир.

В. ГАРВЕЙ.

● ЮРАККА қойил қолиш керак. Унинг уриши ҳаётдан, охирги уриши ўлимдан хабар беради. Чарчашни билмай, организмга ҳаёт бағишлаб, кечаю-кундуз уриб туради, ўлим ва ҳаёт муҳорабасини кутиб, барча орган ва системалар ўлгандан сўнг юрак ҳам ночор тўхтайди. Шунинг учун ҳам юрак ғарқ бўлаётган кеманинг капитанига ўхшаб кетади. Чунки капитан барча матрос ва пассажирлардан сўнг тўфон ихтиёрига ўзини топширади...

ЮШАР.

● ОДАМ юраги билан, дарахт илдизи билан бақувват.

ГРУЗИН МАҚОЛИ.

● ДИЛИ очиққа йўл ҳам очиқ.

ТУРКМАН МАҚОЛИ.

● ҚАЛБ кўздан олдин сезади.

АРАБ МАҚОЛИ.

● БИР-БИРИГА ўхшаган афт бўлмаганидек, бирбирига ўхшаган қалб ҳам бўлмайди.

ХИТОЙ МАҚОЛИ.

● ҚАЛБ сезмаса, кўз ҳам сезмайди.

ГРУЗИН МАҚОЛИ.

● КЕНГ қалб қариймайди.

КУРД МАҚОЛИ.

● БАРЧА дард-алам юракда жо бўлади.

НЕМИС МАҚОЛИ.

● ЮРАГИ соғнинг кўзи ёшли бўлмайди.

ТУРК МАҚОЛИ.

● АГАР юрак жойидан кўчса олтин тўшак ҳам ёрдам беролмайди.

ИНДОНЕЗ МАҚОЛИ.

● ЮРАК дардга тўлмагунча кўздан ёш келмайди.

АРМАН МАҚОЛИ.

● ТОШ юрак темирдан ҳам қаттиқ.

ҲИНД МАҚОЛИ.

● ЮРАК ёш бўлса, оёқларнинг ўзи кетаверади.

ОСЕТИН МАҚОЛИ.

● ОДАМГА жой тор бўлса майли, аммо юракка эмас.

КОМБОДЖ МАҚОЛИ.

Тўпловчилар:
З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
З. ЭГАМБЕРДИЕВ.

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

ҚУИИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

БИЗ—«ХАЛҚОБОД»ДАНМИЗ

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасининг спорт комплексида Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг анъанавий спартакиадаси ниҳояланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У бу ерга меҳмон бўлиб келган 1300 нафар қатнашчининг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Халқободликлар мусобақаларда юксак натижа кўрсатишди ва бу билан улар ҳамкасб спортчиларга намуна бўлдилар. Программадаги спортнинг 11 туридан 8 тасида майдон эгалари ғолибликни қўлга киритдилар. Буларнинг барчаси бирлашмада спорт ишларига ниҳоятда катта эътибор берилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, шундай. Бирлашмада ажойиб спорт комплекси ишлаб турибди. Мазкур спорт базасида спортнинг 12 тури бўйича сабзаворкор ва соҳибкорлар шуғулланишяпти.

Спартакиада қатнашчиларининг аксарияти халқободликлар программадаги фақат футбол тури бўйича ғолибликни қўлга киритишса керак, деб ўйлашганди. Афсуски, спартакиада программасида чим устида хоккей бўйича мусобақалар киритилмади. Йўқса, сўзсиз бу турда ҳам халқободликлар бош совринни қўлга киритган бўлур эдилар. Чунки, тўрт йилдирки, бирлашмада қизлар спортнинг бу тури бўйича мунтазам шуғулланмоқдалар. Уларга СССР спорт мастери Розия Асадова бошчилик қилаётир. Тренер Р. Асадова қатта спортга Халқободдан йўл олган. Унинг шогирдлари область ва республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишаётир. Команда капитани Матлуба Каримова бирлашманинг энг яхши спортчиларидан бири ҳисобланади. Шуннинг учун ҳам унга спартакиада алангасини ёқиш шарафи ишониб топширилди.

Программадаги волейбол мусобақаларида ҳам майдон эгалари ўзларини кўрсатишди. Команда асосини консерва заводининг ишчилари ташкил қиладн. Завод директори Ҳамид Раҳматуллаевнинг ўзи спортга иштиёқманд бўлганлиги учун барча ходимларни ўз ортидан эргаштирди. Натижада завод фақат спортдагина эмас, меҳнатда ҳам илғор коллективлардан бирига айланди. Бу ерда меҳнат унумдорлиги муттасил ошиб бораётир.

Халқободлик спортчилар эришаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширишяпти. Жумладан, бирлашмада футболчилар, курашчилар ва хоккейчилар тайёрлайдиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ишлаб турибди. Бугунги кунда бу мактабда таълим олаётганлар келажакда ўз бирлашмалари, қолаверса, областимиз ва республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

М. ЗАЛЬЦБЕРГ.



● ТОШКЕНТ автомобиль йўллари институти талабаси, эркин кураш бўйича халқаро классдаги СССР спорт мастери Аслан Хадарцев 1984 йилги Олимпиада мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бу йил у жаҳон чемпионати ҳамда СССР халқлари Спартакиадасининг олтин медалларини қўлга киритди. Суратда: икки дўст — жаҳон чемпионлари Аслан Хадарцев ва Арсен Фадзаев.

Ф. Қурбонбоев фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ШАХМАТ. Жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётган В. Смислов — З. Рибли ўртасидаги еттинчи партия кечиктирилган эди. З. Рибли ўйинни давом эттирмай мағлуб бўлганлигини тан олди. Шундай қилиб ҳисоб В. Смислов фойдасига 4,5:2,5 бўлиб турипти.

● ТЕННИС. Швециянинг Гетеборг шаҳрида стол тенниси бўйича Скандинавия очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда 21 мамлакатдан 147 спортчи қатнашди. СССР терма командаси сафида республикамиз вакили, Европа чемпиони Флюра Булатова иштирок этиб шахсий бахсларда У. Ханссон (Швеция), Ким Юнг Ми (Жанубий Корея) ва М. Линдблад (Швеция)ларни енгиб чорак финалга чиқди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

МЕАТИ

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/XII да Нодирабегим, 9/XII да Келинлар қўзғолони, 10/XII да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/XII да Мангулик (16.00)

Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар раҳбарлиги, партия комитети ва шахсий состави Янгиобод шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бўлими бошлиги, милиция полковниги

Анатолий Трифонович РИГАЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р\06592. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1730. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12